


27

«Фуқаролик жамиятини  
ривожлантиришга қўшган  
ҳиссаси учун» Кўкрак нишони билан  
кимлар тақдирланди?



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ



# ЖАМИЯТ

№ 50 (684)  
2019 йил  
20 декабрь,  
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета 2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган www.bong.uz @ jamiyatgzt@mail.ru



«ЧОРРАҲАДА МАШИНА  
ЙЎҚ, КУТИБ  
ЎТИРАМАНМИ?»

«Андишали  
келин!»



Бозорми, озорми?



МУНОСАБАТ

Қачон бурилиш бўлади?



ҚИСҚА  
САТРЛАРДА  
ЎҚИҢ!


Ички ишлар вазирлиги Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси тузилмасида Ситуацион-таҳлилий марказ ташкил этилди.



# «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун»

кўкрак нишони билан тақдирланган Қорақалпоғистон  
Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда республика  
ННТлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаол  
вакиллари:

1.	Кабулова Диловар Насимовна	- «Фуқаролик ташаббусларни қўллаб-қувватлаш маркази» нодавлат нотижорат ташкилоти раиси
2.	Саидов Рустам Инамович	- Фуқаролик жамиятини ривожлантириш марказининг шўъба мудир
3.	Ходжаева Сайёра Атахановна	- «Демократия ва инсон ҳуқуқлари» нодавлат нотижорат ташкилоти директори
4.	Усманов Жалолиддин Қудратович	- «Халқаро Пресс-клуб» нодавлат-нотижорат ташкилоти ижрочи директори
5.	Умаров Мажид Хамдамович	- Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш маркази директори
6.	Усманова Назоқат Шавкатовна	- Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Республика ахбороти тахририятининг маънавият ва маърифат бўлими мудир
7.	Алимов Ақром Махкамович	- Ўзбекистон Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази директори
8.	Мирзаджанова Дилшода Мухтаровна	- Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши раисининг ўринбосари
9.	Даулетиярова Паршагул Муратбаевна	- Қорақалпоғистон Республикаси ногиронлар жамияти раиси
10.	Абдижаббарова Хурлихан Абдираматовна	- Қорақалпоғистон Республикаси Академик Чаржау Абдиров номидаги «Меруерт» жамоат фонди раиси
11.	Таджимов Бобир Турсунбаевич	- «Ветеран» жангчи-фахрийлар ва ногиронлар бирлашмаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими раиси
12.	Касимов Хушнудбек Джалолович	- «Ветеран» жангчи-фахрийлар ва ногиронлар бирлашмаси Андижон вилояти бўлими раиси
13.	Мирзалимова Наргиза Нажмиддиновна	- «Тадбиркор аёл» ишбилармон аёллар ассоциацияси Андижон вилояти ҳудудий бўлими ижрочи директори
14.	Ахмедов Абдурасул	- Чернобилчилар жамияти Андижон вилояти бўлими раиси
15.	Бомуротов Карим Атобоевич	- Республика маънавият ва маърифат маркази Бухоро вилояти Шофиркон тумани бўлими раҳбари
16.	Альмеев Роберт Валиевич	- Бухоро вилояти «Бухоро мерос» илмий тадқиқот маркази директори
17.	Арипова Мамлакат Абдуллаевна	- «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди Жиззах вилояти филиали директори
18.	Хакимов Собир Ёқубович	- Жиззах вилояти «Ватан» спорт клуби раҳбари
19.	Ботиров Бахтиёр Одилович	- Ўзбекистон ногиронлар жамияти Қашқадарё вилояти бўлими раиси
20.	Очилова Ойниса Хонгелдиевна	- «Тадбиркор аёл» ишбилармон аёллар ассоциацияси Қашқадарё вилояти бўлими раиси
21.	Пўлатов Ҳақназар Бейлиевич	- Кўзи ожизлар жамияти Қашқадарё вилояти бўлими раиси
22.	Носирова Дильназов Ильхомовна	- Республика маънавият ва маърифат маркази Навоий вилояти Зарафшон шаҳар бўлими раҳбари
23.	Наринбетов Турехан Канатович	- Қозоқ миллий маданий маркази Навоий вилояти бўлими раиси
24.	Дадабоев Элмурод Маматхужаевич	- Наманган вилояти Поп туман ногиронлар жамияти раиси
25.	Джамалов Хуснитдин Камалович	- «Ветеран» жангчи-фахрийлар ва ногиронлар бирлашмаси Наманган вилояти бўлими раиси
26.	Турдалиев Алижон	- Наманган вилояти «Гамадун - 21» илмий-ижодий жамоат бирлашмаси раиси ўринбосари
27.	Арипова Мунира Шерматовна	- Қизил ярим ой жамияти Самарқанд вилояти ташкилоти раиси
28.	Маматова Ойгул Жияновна	- «Олтин мерос» халқаро хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти Оқдарё туман муассасаси раиси
29.	Расулов Маъруф Хасанович	- Самарқанд вилояти Жомбой тумани кўзи ожизлар жамияти раиси
30.	Кулиева Раҳима Хусайновна	- Самарқанд вилояти «Мураббий» ўқитувчилар ассоциацияси раиси
31.	Ақбаров Раҳимқул Маҳмудович	- Қизил ярим ой жамияти Сурхондарё вилояти ташкилоти раиси
32.	Авазова Гулзода Усмановна	- «Таскин» Сурхондарё вилояти Денов тумани хотин-қизларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш ахборот маркази директори
33.	Бабаев Фарход Турдибекович	- Сирдарё вилояти Боевут тумани ногиронлар жамияти раиси
34.	Фазилова Клара Байбуриевна	- Қозоқ миллий-маданий маркази Сирдарё вилояти бўлими раҳбари
35.	Абдурахимов Олимжон Гафорович	- Кўзи ожизлар жамияти Сирдарё вилояти бўлими раиси
36.	Ходжаева Моҳира Мирзахадовна	- Республика маънавият ва маърифат маркази Тошкент вилояти бўлими раҳбари
37.	Аҳмедова Гулнора Абдуллаевна	- «Фуқаролик ташаббусларни қўллаб-қувватлаш маркази»нинг Тошкент вилояти бўлими раҳбари
38.	Ким Виталий Геннадьевич	- Корейс миллий-маданий маркази Тошкент вилояти бўлими раҳбари
39.	Эшмураева Зарифа Арабаевна	- «Олтин мерос» халқаро хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти муассасаси раҳбари
40.	Зарипова Раножон	- Тошкент шаҳар «Соғлом она ва бола» аёллар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш маркази директори
41.	Аитов Юрий Георгиевич	- «Статус» Тошкент шаҳар орқа умуртка поғонаси жароҳатланган хаста ногиронларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш маркази директори
42.	Ибрагимова Хуршида Арифжановна	- Фарғона вилояти «Меҳржон» аёллар ва болалар маркази раҳбари
43.	Давронова Ўғилло Абдувахобовна	- Фарғона вилояти «Зиёнур» аёллар ва ўсмирларни ижтимоий, ҳуқуқий ва экологик қўллаб-қувватлаш маркази директори
44.	Холикова Суйдинса Хошимовна	- Фарғона вилояти «Прометей» имконияти чекланган ёшлар ва болаларни ижтимоий-иқтисодий, тиббий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш маркази раҳбари
45.	Ахмадалиев Турсунали	- Фарғона вилояти «Иқтидор» имконияти чекланган ва кам таъминланган оила болаларини қўллаб-қувватлаш маркази раиси
46.	Раупова Хамидахон Расуловна	- Фарғона вилояти «Шанс» имконияти чекланган болаларни ижодий қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари
47.	Қутлимуротова Нигора Машариповна	- «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди Хоразм вилояти филиали директори
48.	Бекчанова Дурдишода Қодировна	- Хоразм вилояти «Меҳр булоғи» аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари
49.	Палванова Замира Раимовна	- Қизил ярим ой жамияти Хоразм вилояти ташкилоти раиси



# Қачон бурилиш бўлади?

## Ёхуд метро қурилишидаги ҳалокат хулосалари

**Туни билан уйқум келмади. Кўзимни юмсам, хаёлан Юнусобод туманидаги «Мегапланет» олдира бораман. Тупроқ остидан олтинчи фуқаронинг ҳам жасади олиб чиқилди.**

Бир вақтлар армиядан келганларни бутун қишлоқ меҳмон қиларди. «Морской флот», «Десантская воиска» да хизмат қилдим, деб жуда кам йигитлар гапиришарди. Кўпчилик «Стройбат» да бўлдим, дерди. «Шуям хизматми?» дердик. Орадан вақт ўтиб тушундикки, бизга «иккинчи сорт» одам деб қарашганини. Майли, у даврлар ўтиб кетди. Хўш, кейинчи? Кейин ҳам вазиёт у қадар ўзгармади-ку? Шунча йил бизга ҳеч ким халақит бергани йўқ-ку? Мактаблар ўзимизники бўлди. Чўнтакдаги пулимиз ўзимизники эди. Хўш, нимани ўзгартира олдиқ? Қани янги авлод? Қани инженерлар? Қани сифатли



курувчилар? Қани лойиҳачилар? Қора ишчилар етиштирадиган мамлакатга айландик. Яна «иккинчи сорт» одамлар бўлиб қолдик. Бир қарашда моҳият йўқдек. Лекин ҳеч нарса бесабаб бўлмади. Келинг, чуқур мушоҳада ва очиқ кўз билан ҳаётга қарайлик. Герма-



ния иккинчи жаҳон урушидан силласи қуриб чиқиб йигирма йилда дунёда етакчи иқтисодга эга мамлакатга айланди. Япония Америка ташлаган бомбадан кейин йигирма йил ўтиб таълимда мисли кўрилмаган мўъжиза қилди. Сингапурнинг ривожланиши учун бор-йўғи ўн уч йил кифоя қилди. Энди 90-йилларни эсланг. Нима бўлди? Бор-йўғи Совет Иттифоқи тарқалиб кетди. Ҳа, мана шундай оддий айтаман, иттифоқ тарқалиб холос! Ўша кундан бошлаб қорин гамида (худди очдан ўлиб қоладиган одамдек) ваҳимада яшадик. Сиёсатчилар, иқтисодчилар «ўн беш кунга етадиган бугедайимиз қолган эди...» деб яқин яқингача гапириб юришди. Белимизга бомба боғлаб юрган одамга ўхшаб қўрқув ва ваҳимада яшадик. Бир-бири миздан шубҳаланиб, пичир-

лаб гаплашдик. Фарзандларимиз шуни кўриб ўсди. Эркин фикрлайдиган одамларга кун бермадик. Қўлидан иш келадиган олимлар, тadbиркорлар, ишбилармонлар, «каллеси зўр» одамлар мамлакатдан чиқиб кетди. Миллат учун қайғуралдиган одамлар тиш-тишга қўйиб чиқилди. Оқибат нима бўлди? Ўзбекистон инженерлар, лойиҳачилар, конструкторлар, тиришқоқ одамлар мамлакати бўла олмади. Телевизорда ҳаяжон билан жунбушга келиб гапирадиган авлодни ватанпарвар дедик. Кўзойнак тақиб гаджет ва планшет кўтариб юрганларни олифтра дедик, сиргимиз ялтироқ бўлди. Ичимизни эса совуқ уриб кетган эди.

**Хуллас, мен 18 декабрь воқеасидан учта энг муҳим хулосани қилдим.**

**Биринчиси,** Ўзбекистонда узоқ йил давом этган турғунлик даврида қурилиш индустрияси ривожланмади. «Откат» «Обьём» «Генподряд» «Субподряд» «Падсобник» «Мардикор» деган ибораларни биз қурилиш деб тушундик. Шу ибораларсиз иш битмади.

Ўтган ҳафта пресс-клубда қурилиш вазири ўринбосари қатнашган эди. Икки ярим соат жонли эфирдан умуман кўнглим тўлмади. Чилаб тура олмадим. Эфирдан кейин яна ярим соат гаплашдим. «Нимага очилмадингиз? Менга жуда ноқулай бўлди. Пресс-клуб формати бунақа эмас, ҳаммасини очиқ айтишингиз керак эди» дедим. «Ғулумжон, гап

жуда кўп. Энг аввало Ўзбекистонда профессионал қурилиш компаниялари бармоқ билан саноқли. Улар «Субподряд» ташкилотларини ёллаб ишлатишга мажбур. Бу ташкилотларнинг эса бугун хоҳлаган одам очаяпти» - деди. Бу гаплар негадир кўнглимни гаш қилди. Орадан бир ҳафта ўтиб, бунинг аламини тортяпмиз.

**Иккинчи хулосам,** Россияда ҳам, ўзимизда ҳам қурувчилар, айниқса қурилишнинг оддий ишчилари ўзининг қадрини билмайди (баъзида шунга мажбур ҳам бўлишади). Оёқда «тапичка», «трико», «майка» билан ишлайди. Ишдан кейин иккита помидор, яримта ароқ олиб «ужин» қилади. Кейин сигарет ё носвой чекиб баъзида қурилиш жойининг ўзида тунайдди. Инсон ўзини-ўзи қадрига етмаган жойда уни биров қадрламайди. Бу фикр ҳаммада бўлиши керак. Иш берувчи эса одам ишлатаётганини, у ҳам бировнинг отаси ва бировнинг боласи эканини англаши керак.

**Учинчи хулосам,** Ўзбекистонда қурилиш меъёрлари жуда эски. Университет, институт, лойиҳа институтлари кам. Бориди ҳам ўқитиш тизими халқаро стандартлардан анча орқада. Ва, энг муҳими, қурилиш «давай, давай»ни кўтармайди! «Тўйга тўёна» деган сарқит гапни онгимиздан сидириб ташлаш керак! Бутуноқ!!!

**Ғулумжон САМАДОВ,**  
Қорақалпоғистон Республикасида хизмат қўрсатган журналист

**Рўй берган фожиа барча юртдошларимизни даҳшатга солди. Сайтлар, ижтимоий тармоқларда турли муносабатлар билдирилмоқда. Кимдир тикланажак бекатга марҳумлар номини қўйишни таклиф қилаётган бўлса, яна кимдир бу фожиага сабабчиларни жазолашни айтмоқда. Қўйида ана шундай фикрлардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.**

**Мирзиёд Мирусмонов:**

— Мен «хулоса чиқаришга шўшмайлик, ушбу фожиа сабабларини ўрганувчи махсус комиссия тузилиши шарт, унинг хулосаларини кутайлик...» дердим, бизда бундай муҳим объектлар қанчалик шўшма-шўшарлик билан, хавфсизлик техникасига қанчалик риоя қилинмай, ишчилар хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасига эътиборсиз қурилишдан хабарим бўлмаганда.

Энг ачинарлиси, хавфсизлик қоидаларига ва меҳнат муҳофазасига тўлиқ риоя қилишга айнан ўша шўшма-шўшарлик ва маълум (байрам) санага ўлиб қолиб бўлса ҳам топширишга мажбурлаш сабаб бўлади менимча. Биринчи ўринга сифат ва асл мақсадни эмас, хўжақўрсинликни қўйиш одатимиз йўқолмас экан, бунақа фожиалар ҳам тўхтамайди.

**Баҳриддин Асрор:**

— Яхшиям шу блогерлар бор экан. Телевиденининг парвосига келмай, концерт қўйиб ётибди.

**Гулбаҳор Жумаева:**

— Энди совқотмайсан. Ўлганингдан кейин қадр топарсан. Балки, сенинг бошингда турганлар, хавфсизликка риоя қилганларида, янги йилда онажонинг бағрини совга-саломлар билан тўлдирармидинг. Мудҳиш фалокат бўлмасмиди. Сени ютган очкўз тупроқ тўярмикин укажон.

Дуоларим у дунёдаги жойингни жаннатдан қилсин, илоҳим...

# МУНОСАБАТ

**Анора Содиқова:**

— Кеча Юнусобода воқеа жойига бордик. Қурилишга кириш тақиқланганди. Хавфсизлик юзасидан буни тушуниш мумкин. Бирок, на ишчилар ва на мутасаддилар саволларимизга жавоб беришмади. Кўп саволлар очик қолди.

**Тахририятдан:**

Фожиа муносабати билан шoirлар ҳам марҳумларга марсия битиб, ижтимоий тармоқлар орқали улашмоқда. Фикрлар хилма-хил. Аммо, хулоса битта: қурилишда шўшма-шўшарлик кетмайди. Оиламни боқаман, ризқ топаман деб шу ерда ишлаган, ёш кетган, ҳали чимилдик кўрмаганларнинг охирашлари обод бўлсин!



Урганч, Хонқа, Хива, Янгибозор ва Ҳазорасп туманларида умумий майдони 21687,5 гектар бўлган Хоразм миллий табиат боғи ташкил этилади.

# БУНЁДКОРЛАР ПАРТИЯСИ

**Кучли армия – хавфсизлик ва барқарорлик, халқнинг фаровон ҳаёти кафолати О‘зЛиДеП демократик ва ижтимоий-иқтисодий янгиланишлар, халқнинг маънавий ривожланишига фундаментал вазифа – мамлакат хавфсизлигини, жамиятда тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тотувлик ва фуқаролар ҳамжиҳатлигини таъминлашдан эришиб бўлмайди, деб ҳисоблайди.**

тўғрисидаги конституциявий меъёрларнинг тўла-тўқис амалга оширилиши тарафдоримиз. Турли диний бирлашмалар билан уларнинг имкониятларидан маънавий юксалиш, умуминсоний қадриятларни қарор топтириш мақсадида мулоқот қилиш сиёсати тарафдо-

фундаментал тамойилларга асосланган ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлайди.

Парламент, халқ дипломатияси ва хусусий сектор имкониятларидан фойдаланиб, давлатнинг ташқи сиёсат соҳасидаги энг муҳим вазифаси – Марказий Осиёни барқарор ривожланти-

## О‘зЛиДеП: Биргаликда биз кучмиз!



Конституциявий тузум ва суверенитетимизни, ҳудудий яхлитликни ҳимоялаш, мамлакатнинг мудофаа лаёқатини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролини Кучларининг салоҳиятини ошириш масалалари ҳар доим биз учун устувор. Хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги партия фаолиятининг негизида «Ўзбекистон халқига тинчлик ва осойишталик керак» тамойили туради.

Биз миллий армиямизни янада ривожлантириш ва тақомиллаштириш бўйича амалга ошириладиган ишларни қўллаб-қувватлаймиз. Партиянинг бу йўналишдаги асосий мақсади – миллий хавфсизлик каби ўта муҳим соҳани қонунчилик йўли билан тартибга солиш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш самардорлигини ошириш, ушбу соҳада давлат дастурларини амалга оширишдан иборат. Партиянинг фикрича, ҳарбий хизматга муносиб ҳақ тўланиши керак. Армияда хизмат қилиш ҳар бир ёш, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун ғурур, мардлик ва ватанпарварлик тимсоли бўлмоғи лозим.

### Жамият ва давлатнинг муҳим қадриятлари

Партия бағрикенглик, инсонпарварлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликнинг мустаҳкамланиши, дўстлик, ҳамжиҳатлик, тинчлик ва барқарорлик муҳити бардавом бўлишини давлат ҳамда жамият ривожланишининг энг муҳим ва зарурий шarti, деб билади.

Биз мамлакатимизнинг куйидагиларга асосланган миллий сиёсатини қўллаб-қувватлаймиз: тенг ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалда бўлиши, жинс, ирқ, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мақомидан қатъи назар, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, сиёсий институтлар, мафқуралар ва фикрлар хилма-хиллиги шароитида

ижтимоий ҳаётни ривожлантириш, турли миллатлар ва элатлар вакиллариининг тили, урф-одатларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уларнинг тараққий этиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб. Ўзбекистонда қарор топган ижтимоий ва сиёсий барқарорлик, мил-



латлараро тенглик ва фуқаролар тотувлиги олиб бориладиган оқилона сиёсат самарасидир.

Биз фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, маданият марказлар ва дўстлик жамиятларининг мамлакатимизда истиқомат қиладиган турли миллатлар ва элатларнинг ўзига хос миллий анъаналари, урф-одатларини сақлаш ва ривожлантириш борасидаги улкан хизматларини эътироф этамиз. Биз хорижий давлатлар билан миллатлараро муносабатлар ва дўстлик алоқаларини уйғунлаштириш масалаларини ҳал қилишда парламент ва халқ дипломатияси салоҳиятидан юқори даражада фойдаланишга кўмаклашамиз.

«Инсон эътиқодсиз яшай олмайди», «Дунёвийлик – даҳрийлик эмас» тамойилларини изчиллик билан ҳаётга татбиқ қилиниши, эътиқод ва виждон эркинлиги, давлатнинг дунёвий характери

римиз. Дин халқнинг маънавий таянчи ва покланишининг ҳақиқий воситаси бўлиб хизмат қилиши, одамларни тинчликка, хайрли ва савобли ишларга ундаши, этник, лисоний, диний фарқларга қарамай, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик каби азалий қадриятларга даъват этиши керак.

Биз маданият ва диний экстремизмга қарши кураш сиёсати, энг аввало, «Жаҳолатга қарши маърифат билан», «Маърифат ва таълим – тинчлик ва бунёдкорлик йўли» тамойилларининг ҳаётга изчил татбиқ қилиниши асосида олиб борилишини қўллаб-қувватлаймиз. Айнан маърифат ва таълим халқларнинг гуллаб-яшнашига хизмат қилувчи, одамларни хайрли ишларга, меҳр-мурувватга, бағрикенгликка етакловчи омидир. Бизнинг фикримизча,

ган ва яқин кўшничлик муносабатлари қарор топган ҳудудга айлантиришга кўмаклашамиз.

Энг аввало, халқимиз манфаатларини ҳимоя қилиш, яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар, бутун дунё ҳамжамияти билан самарали ҳамкорликни давом эттиришга йўналтирилган ташқи сиёсий фаолиятни қўллаб-қувватлаймиз.

БМТ, ШҲТ, МДХ, ИХТ ва бошқа халқаро тузилмалар, турли иқтисодий ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига ҳамохандир. Биз халқаро иқтисодий ва молия-банк тузилмалари, хусусан, Жаҳон банки, Осиё тараққийёт банки, Ислом ривожланиш банки, Халқаро валюта жамғармаси, Европа тикланиш ва тараққийёт банки, Жаҳон савдо ташкилоти, Евроосиё иқтисодий иттифоқи ва бошқа халқаро молиявий ҳамда иқтисодий ташкилотлар билан амалий ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратамиз.

Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг тегишли меъёрий-ҳуқуқий базасини тақомиллаштириш, етакчи хорижий сиёсий партиялар билан ҳамкорликни ривожлантириш ҳам устувор мақсадларимиз сирасидан.

Партия бундан кейин ҳам тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ва илгор технологияларни миллий иқтисодиётнинг устувор соҳаларига жалб қилиш, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг энг муҳим йўналишлари бўйича Ўзбекистоннинг халқаро ташаббусларини илгари суришда партиялараро ҳамкорлик механизмларидан фойдаланади. Жумладан, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликнинг ўрнатилиши, Орол ҳалокати ҳамда ҳозирги даврнинг турли экологик муаммоларини ҳал қилиш, жаҳоннинг йirik бозорларига чиқиш имкониятини берадиган транспорт-коммуникация йўлақларининг кўп вариантли тизимларини шакллантириш учун истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ва бошқа масалаларга алоҳида эътибор қаратади.

Электорат манфаатидан келиб чиқиб, партия Ўзбекистондаги ҳўжалик юритувчи субъектларнинг хорижда савдо ваколатхоналари очилишига, уларнинг турли халқаро тadbирлар ва кўргазмаларда иштирок этишига, чет элларда мамлакатимиз фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳўқуқ ва манфаатлари ҳар томонлама ҳимоя қилинишига фаол кўмаклашади.

Юқорида баён этилган асосий мақсад ва вазифаларни илгари суриб, партия жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш мақсадида иш олиб борувчи сиёсий куч сифатида ўз мавқини мустаҳкамлашга интилади.

О‘зЛиДеП Матбуот хизмати.

бундай ёндашув – давр талаби.

Ишончимиз комилки, юртимизда истиқомат қилувчи турли миллат ва конфессиялар вакиллари Ўзбекистонни ўз уйи деб ҳисоблайди, мамлакатимиз ягона халқини ташкил этади, ўзаро ҳурмат ва ишонч муҳитида яшашига, жамиятдаги тинчлик, ҳамжиҳатлик ва барқарорликни асрашга интилади.

### Самарали, ўзаро манфаатли, конструктив ва прагматик ташқи сиёсат

О‘зЛиДеП умумқабул қилинган халқаро меъёрлар ва тамойилларга содиқлик, ҳарбий-сиёсий блоklarга қўшилмаслик, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, юзага келадиган низолар ва келишмовчиликларни фақат тинч, сиёсий йўл билан ҳал қилиш каби



Сенат томонидан «Миллий гвардия тўғрисида»ги қонун маъқулланди.

# Орол муаммоси —

## олам муаммоси



Яқин ўтмишда жаҳондаги энг катта қўлларнинг тўртинчиси бўлган Орол денгизининг қуриши дунёдаги энг йирик экологик фожиалардан бири бўлиб, нафақат Ўзбекистон, балки минтақадаги барча давлатлар учун қатор экологик, ижтимоий-иқтисодий, тиббий ва гуманитар муаммоларни келтириб чиқарди.

Орол муаммоси унинг биосфера, аҳоли турмуш шароитлари ва генофондига таъсири қамрови туфайли глобал тус олмақда. Бу ҳудудда дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш учун бир неча миллиард доллар сарфланган бўлса-да, улар қутилган самарага эришилмади. Боз устига, қарийб ярим аср мобайнида жаҳон ҳамжамияти Орол фожиаси ва у келтириб чиқарган экологик, ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг гувоҳи бўлиб келмоқда. Минг афсуски, Орол фожиасини бартараф қилиш, унинг салбий оқибатларини юмшатиш, ҳудудда экологик барқарорликни таъминлаш бўйича кўзга кўринадиган, кардинал ҳал этувчи ишлар деярли бўлмади.

Давлатимиз раҳбари қисқа муддатда аниқ ва тезкор ишлари билан жаҳон ҳамжамиятининг Орол муаммосига нисбатан эътиборини, муносабатини, қўйиники, тафаккурини ўзгартирди. Президентимиз ташаббуси билан қилинаётган чора-тадбирлар бу муаммога бўлган амалий ёндашувнинг дебочаси, десак тўғри бўлади.

Энг муҳими, сўз ва иш бирлигининг яққол исботи сифатида кўрсатилган ташаббус ва билдирилган таклифлар асосида бугун Оролбўйи ҳудудда ўрмонлар барпо этиш бўйича ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда.

Орол бўйида амалга ошириш муҳим ва ўта долзарб вазифалар:

❑ чўлланишнинг олдини олишга қаратилган саҳрога чидамли саксовул, қандим, черкез каби ўсимликлардан иборат ўрмонзорлар барпо этиш;

❑ чўл зонада озукабоп ҳисобланган чоғон, терескан, боялич, қайроук каби ўсимликларни кўпайтириш;

❑ маълумки, иқлим ўзгариши шароитларида экологик ҳолатни юмшатишда, қолаверса, ҳудуднинг ўзига хос ўсимлик ва ҳайвонот олами вакил-



Мадина САДУЛЛОЕВА,  
Ёшлар иттифоқи Бухоро туман  
Кенгаши раиси,  
Ўзбекистон Экологик  
партиясидан  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутатлигига номзод

ларини сақлаб қолишда тўқайзорлар муҳим аҳамият касб этади. Афсуски, Оролбўйи ҳудудидаги тўқайзорларнинг 90 фоиздан ортиғи батамом йўқ бўлиб кетган. Сув ҳавзалари бўйида тўқайзорларни тиклаш юзага келган муаммоларни бартараф этиш;

❑ сув ресурслари истъмолининг 70 фоиздан ортиғи қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келишини инobatта олиб, аграр секторда сув тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш талаб этилади. XXI асрнинг ўрталарига бориб Амурарё ва Сирдарё дарёлари-нинг сув ресурслари 15 фоизга қисқариши баробарида минтақа аҳолиси сони 90 миллиондан ортиши башорат қилинаётганлигини инobatта олганда қишлоқ хўжалигида сув истъмолини камайтиришга эришиш муҳим аҳамият касб этади. Боз устига қишлоқ хўжалигида сувдан оқилона фойдаланиш эрнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, тупроқ унумдорлигини оширишга хизмат қилади;

❑ Оролбўйи атрофида кичик (локал) қўллар барпо этиш;

❑ муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ноёб, камсонли, йўқолиб кетиш арафасида турган тирик организмлар ва уларнинг яшаш муҳитини сақлаб қолишда алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис Оролбўйи ҳудудида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этиш, экотизим ҳолати бўйича доимий мониторинг тизимини йўлга қўйиш лозим. Шунингдек, ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда замонавий экологик индикаторларни ишлаб чиқиш зарур.



# Яшил қалқон муҳофазаси

2018 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги "Ўрмон тўғрисида"ги Қонун нормалари бевосита ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва фойдаланиш соҳасини ҳуқуқий тартибга солади.

Мазкур қонуннинг тегишли нормаларида фуқаролар ўрмонларда ёнғин хавфсизлигига риоя этиши, дарахтлар ва буталарни синдиришга, кесилшга, ўрмон экинларига шикаст етказилишига, ўрмонларнинг маиший ҳамда бошқа чиқиндилар билан ифлосланишига, ёввойи ҳайвонларнинг яшаш муҳити йўқ қилинишига ва уриш жойлари бузилишига йўл қўймаслиги, шунингдек, ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа талабларни бажариши шартлиги белгилаб қўйилган.

Шунингдек, дарахтзорлар ва бутазорларни кесил, пичан ўриш, чорва молларини ўтлатиш, ўрмондан илмий-тадқиқот, маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреация ва эстетик мақсадларда фойдаланиш бўйича нормалар белгиланган. Айниқса, биноларни, иншоотларни



Дилфуза ТҮЙЧИЕВА,  
Анджон давлат университети «Зоология ва биокимё» кафедраси катта ўқитувчиси,  
Ўзбекистон Экологик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига номзод

ва коммуникацияларни қуриш чоғида давлат ўрмон фонди участкаларидаги дарахтзорлар ва бутазорларни ишлаб чиқариш — техник заруратдан келиб чиқмаган ҳолда кесил, шунингдек, давлат қўриқоналарининг, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқоналарининг ўрмонлари, табиат боғларининг, давлат биосфера резерватларининг қўриқонага айлантирилган зоналаридаги ўрмонларини кесил тақиқланганини таъкидлаш муҳим.

Дарахтзорлар ва бутазорларни кесилшга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, ўрмон кесил (ўрмон) чипталари асосида ва фақат ўрмонларни, албатта, қайта тиклаш шarti билан йўл қўйилади.

Ўзбекистон Экологик партиясининг сайловолди дастурида ҳам яшил қалқонимиз ҳисо-




бланган ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш борасида бир қатор муҳим вазифалар белгиланган. Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш борасида аниқ механизмлар таклиф этилган. Хусусан, шаҳарлар атрофида "яшил қалқонлар"ни барпо этиш ва дарахтларнинг кесилишига қарши эълон қилинган мораторий ижросини назорат қилиш ва унинг муддатини узайтириш, барча аҳоли пунктларида 5 ёшдан ошган дарахтларни инвентаризация қилиш, 2025 йилга бориб мамлакатимиздаги ўрмонлар майдонини 7,6 фоиздан 15 фоизгача кенгайтириш, яшил оламни муҳофаза қилиш устидан назоратни, айниқса жамоатчилик экологик назоратини кучайтириш шулар жумласидандир.

Мухтасар қилиб айтганда, инсонлар соғлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш, уларни кўпайтириш ишларида фаол иштирок этиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.



2020 йил 1 мартдан бошлаб аввал фойдаланилган, божхона расмийлаштируви вақтида ишлаб чиқарилгани 3 йилдан ошган индукцион печлар ва камераларнинг Ўзбекистон ҳудудига олиб кирилиши тақиқланади.





# Ҳамкорлик туфайли жиноятлар камаймоқда


Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар ва туман судлари томонидан 2019 йилнинг 9 ойи мобайнида ёшлар, вояга етмаганлар ва аёлларга нисбатан кўрилган жиноят ишлари, шунингдек, улар ўртасида содир этилган жиноятларнинг олдини олишга бағишланган қатор давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Тадбирларда пойтахтимизда йўналишда олиб борилган ишлар — ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар ҳақида маълумотлар, шунингдек, унинг олдини олиш бўйича тушунтиришлар берилди.

## Жараён

Бу ишлар давлатимиз раҳбарининг «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида амалга оширилмоқда. Айтиб ўтилган вақт мобайнида пойтахтимизда 843 та жиноят содир этилган бўлиб, бу кўрсаткич аввалги йилга нисбатан 16,04 фоизга камайган. Шулар орасида ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар ҳам 16 фоизга камайгани олиб борилаётган ишлар самарасини бироз бўлса-да, намоз этади.

Тарғибот тадбирларида депутат Н.Хусанбоева, «Оила» маркази раҳбари Н.Қодирова, суд раиси Х.Ҳайтов, судья Т.Қасимов, ҳокимият вакиллари, Халқ таълими шўба раҳбари, маънавий-ахлоқий тарбия бўлими раҳбари Ф.Мунаввара, ички ишлар идоралари вакиллари, ўқитувчилар, тарбияси оғир ўқувчилар, МФЙ раислари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Хусусан, Яққасарой судида ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича жиноятлар сони 70 та, шахслар сони эса 82 тани ташкил этди. Эътиборли жиҳати улар томонидан энг кўп содир этилган жиноятлар ўғрилик, фирибгарлик ва гиёҳвандлик воситалари билан ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларини



ташкил қилган.

Пойтахтимизда ёшлар ўртасидаги жиноятчиликнинг энг юқори кўрсаткичи Чилонзор, Учтепа, Мирзо Улуғбек туманларига тўғри келган. Ўз жонига қасд қилиш ҳоллари ҳам сезиларли даражада камайди. Ачинарли томонларидан яна бири шуки, жиноят содир этган ёшларнинг 599 нафари оғир, 130 нафари ўта оғир жиноятларни содир этган.

Жиноят содир этган қолда ва лицей ўқувчилари 70, олий ўқув юрти талабалари сони деярли 50 фоизга камайган бир пайтда коллеж ва лицей ўқувчилари Яшнободда 1, олий ўқув юрти талабалари Миробод ва Учтепа туманида 2-3 фоизга ортган. Шунингдек, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар ҳам бир қадар камайганини кузатдик. Хусусан, 8,8 фоизга, шахслар сони эса 20 фоизга камайган. Ўтган давр мобайнида улар то-

монидан содир этилган жиноятлар ўғрилик, босқинчилик, безориликни ташкил этган бўлиб, жиноятчиликнинг энг юқори кўрсаткичлари Юнусобод, Шайхонтоҳур, Чилонзор, Учтепа ва Сергели туманларига тўғри келган.

Тадбирларда «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизликлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш», «Диний экстремизм ва унинг зарарли оқибатлари», «Одам савдосига қарши кураш ва унинг олдини олиш», «Ёшлар ўртасида гиёҳвандлик воситалари тарқалишига қарши курашиш» мавзуларида учрашувлар, суҳбатлар олиб борилди.

Шу билан бир қаторда ёшларни миллий ғоя асосида тарбиялаш, ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, уларни қаровсиз ва назоратсиз қолдирмаслик, бандлигини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳудудларда яшовчи аҳолининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий дунёқарашидан келиб чиқиб, айниқса, бундай кўнгилсизликлар нисбатан кўпроқ кузатилаётган туманларда режалаш зарурлиги белгилаб олинди.

Умуман олганда, соҳада олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари жараёнларида бу йил олдинги йилларга қараганда анчагина ибодий натижаларга эришилди.

**Анвар РАҲИМОВ,**  
Яққасарой туман ҳокимининг  
Ёшлар сиёсати, ижтимоий  
соҳани ривожлантириш,  
маънавий-маърифий ишлар  
бўйича ўринбосари,  
Шодиёр ТОШПЎЛАТОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Ёшлар иттифоқининг  
Яққасарой туман кенгаши  
раиси,

**Бахтиёр БАҲРОМОВ,**  
Яққасарой туман ҳокимлиги  
хузуридаги вояга етмаганлар  
ишлари бўйича судлараро  
комиссияси раиси

## «Жамият»га раҳмат!

Миннатдорлик

Хурматли таҳририят! Вилоятимизда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши хузуридаги жамоатчилик назорати гуруҳи ташкил этилганидан хурсандим. Даврон Аҳмедовнинг «Жамият» газетасидаги бир қатор мақоласидан кейин Чирчиқ шаҳридаги кўп қаватли уйларда яшовчи фуқароларнинг ойлаб ҳал қилинмаган муаммолари бирин-кетин ечим топмоқда.

Биз яшаётган «Маърифат» маҳалласидаги 55 та кўп қаватли уйда 80 та хонадон мавжуд. Уларда 200 дан ошқ оила истиқомат қилади, газетангизда эълон қилинган мақоладан сўнг ушбу кўп қаватли уйнинг томи 3 ой ичида бузилиб, қайта таъмирланди. Кўп ташивлардан кутулдик. Хонадонларимизга файз кириб, одамга ўхшаб яшай бошладик. Бизни бир савол қийнайди, нега куз-қиши мавсумга тайёргарликни

ёзда қилишмайди? Нега айнан Президентимизга, Олий Мажлис депутатларига мурожаат қилингандан кейин бажарилди? Мутасадди идораларнинг иш режалари йўқми ёки жойларда бошқа касб эгалари ишламайптими? Сизларга мурожаат қилмаганимизда, ҳозир ҳам томларимиздан чаккиллаб оқаётган сувга челек тутиб ўтирган бўлармидик.

«Жамият» газетаси нафақат маҳалламиз, балки ҳар бир хонадоннинг севимли газетаси бўлиб кириб келмоқда.

Сизларга катта раҳмат! Соғлиқ, саломатлик, фаолиятингизда омад тилаймиз.

Биз «Жамият» газетасига обун бўлдик. Сизчи, азиз газетхонлар?

«Маърифат» маҳалла фуқаролари номидан А. Махсумов.

Банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш учун бериладиган аризада қарздор ва кредитдорлар тўлов қобилиятини тиклаш ёки тугатиш тартиботлари қўллашни кўрсатган ҳолда мурожаат этиш ҳуқуқи берилди.

## Саховатнинг савоби

2020 — Янги йил кириб келишига ҳам санокчи кунлар қолди. Байрам тантаналари эса аллақачон бошлаб юборилган. Чирчиқ шаҳар «Ўзбегим» тўйхонасида шаҳар сектор раҳбарлари томонидан ташкил этилган тантана кўпчиликини шод этди.



хурсанд бўлди.

— Маҳалламиздан 9 нафар болага оқ кўйлак, костюм-шим ва қимматбаҳо совғалар беришди, — дейди «Семург-14» МФЙ етакчи мутахассиси Муҳаббат Маминава. — Байрамга келган таникли санъаткорларнинг чиқишларидан болаларнинг завқини кўрсатган эди?! Кичкиналари ҳатто совғаларини кўтариб рақслар-

Жумладан, шаҳардаги 81 нафар боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд, кам таъминланган оилалар имкониёти чекланган болалар, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига совғалар топширилди.

— Худумимизда 44 маҳалла бор, — дейди Чирчиқ шаҳар маҳаллалар кенгаши раиси Шоҳида Ирисметова. — Бугун шаҳар маҳаллаларидан келган эҳтиёжманд болаларга секторлар томонидан байрамона дастурхон безатилди. Имкон қадар бирча маҳаллалар тенг қамраб олинишига эътибор қаратдик. Ҳомийларимизнинг саховати туфайли уларнинг барчаси тенг

га тушди. Бунинг учун барча ташкилотчи-ҳомийларга миннатдорлик билдираимиз.



Даврон АҲМАД

## Ҳавас уйғотган устоз

Таълим

Ҳар бир ўқувчида ўзига хос интеллектуал қобилиятлар мужассам. Улар тенг ва бир хил ёшда бўлса-да, муайян ҳолатларда бир-биридан фарқ қилади ҳамда турлича ўзлаштиради. Яъни бола шахсининг шаклланишида унинг қандай муҳитда тарбиялангани, ривожланиш ҳолатлари, ўзига хос психологик хусусиятларини инobatга олиш муҳим.

Айниқса, ўқувчини кичик ёшидан бошлаб шахс сифатида ҳурмат қилишни билиш зарур. Бу ёшда ишонч ва рағбатлантириш, майл ва истакларига, хоҳиш-иродасига қараб муносабатда бўлиш муҳим ўрин тутади. Бу борада ўқитувчи фақат назорат қилиш, таълим бериш билан чекланиб қолмай, болада мавжуд бўлган шахсий қобилиятларни ривожлантирувчи, уни олдинга бошловчи, қўллаб-қувватлаб турувчи кучга ҳам айланаши лозим. Кучли мотива-

цияни юзага келтира олмасак, ўқувчини таълим жараёнига қизиқтириш қийин кечади.

Бу борада боланинг индивидуал хусусиятлари асосида ривожлантиришни тўғри йўлга қўйишда ўзаро танқиднинг ҳам аҳамияти бор. Бунда бир ўқувчининг хатосини ўқитувчи дарҳол унинг юзига солмайди, балки ўртоғининг танбеҳидан фойдаланади. Агар шериги унинг хатосини тўғрилик қўйса, демаски, бола тез серкак тортади ва хато қилмасликка интилади. Албатта, бу вазиятда ўқитувчи қўллаб-қувватловчи ва рағбатлантирувчи бўлиб туриши лозим. Ўқитувчи ҳеч қачон ўқувчилари олдида ёлгон сўзлашмаслиги, адолат юзасидан иш тутиши ўқувчиларни кичик ёшидан бошлаб тўғри сўзлашга, ҳақиқатларвар бўлишга ўргатади. Ишонч ва ҳавас уйғота оладиган устозлар ҳаминша ўқувчиларни таълимга қизиқтира олган. Ишонч бор жойда эса, шубҳасиз, ўсиш ва ривожланиш бўлади.

Лобархон АБДУКАРИМОВА,  
Бекобод шаҳридаги 7-умумий  
ўрта таълим мактаби  
ўқитувчиси



# Сардорлардан қолган «мерос»

Коррупцияга қаршимиз!

Коррупция – бу жамиятни турли йўллار билан исканжага оладиган даҳшатли иллатдир. Мазкур қусур инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодаларнинг авж олиши учун шароит яратиб бериши.

Коррупциянинг ўзақлари қадимга бориб тақалади. Бу ҳол қабилада маълум даврга эга бўлиш учун сардорларга совғалар бериш одатидан келиб чиққан деб тахмин қилинади. Ўша даврларда бу оддий ҳолат сифатида қабул қилинган. Бироқ давлат аппаратининг мураккаблашуви ва марказийлашуви коррупциянинг давлат ривожланишига катта тўсиқ эканлигини кўрсатди. Коррупцияга қарши курашган биринчи давлат сифатида қадимги Шумер тан олинади.

1787 йилда қабул қилинган АҚШ Конституциясида пора олиш АҚШ президентини импечментга тортиш мумкин бўлган икки жиноятнинг бири сифатида кўрсатиб ўтилган. Сисей партиясининг вужудга келиши ва уларнинг мамлакат ҳаётидаги ўрнининг ошиб бориши XIX–XX асрларда ривожланган давлатларда коррупциянинг бошқа мамлакатларга нисбатан анча камайишига олиб келди.

Сингапур давлати 1965 йил мустақилликка эришгач коррупция даражаси энг юқори бўлган давлатлар қаторида турар

эди. Лекин бу иллатга қарши ўтказилган бир қатор талбирлар коррупциянинг минимал даражага тушишига олиб келди. Биринчи навбатда, бу ерда бюрократик жараёнлар энгиллаштирилиб, суд тизимининг мустақиллиги оширилди (судьяларнинг даромадлари ва имтиёзларини ошириш эвазига). Шу билан бирга коррупция жиноятлари учун санкциялар оғирлаштирилиб, фуқароларга коррупцияга қарши жиноятларни тергов қилишда ҳамкорлик қилишда бош тортганлиги учун жуда катта молиявий санкциялар белгиланди. Бир қатор давлат идораларида оммавий «тозалашлар» ўтказилиб, бу жараёнлар телеканаллар орқали бутун мамлакатга намойиш қилинди. Бу каби ислохотлар натижасида Сингапур қисқа муддатда илғор давлатлар қаторига чиқди. Шунингдек, давлат хизматчисининг ахлоқ стандартларига риоя этишини қаттиқ назорат остига олиш ҳам Сингапур давлатида коррупцияга қарши курашда муҳим дастаклардан бири бўлиб хизмат қилади.

Коррупцияга қарши курашда жаҳон мамлакатлари тажрибасини ўрганиш шунини кўрсатадики, фақатгина жинорий қонунчиликни оғирлаштириш йўли билан мазкур иллатга қарши курашиб бўлмайдми. Бу иллатни энгилш учун биринчи навбатда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш лозим.

**М.МАҲМУДОВА,**  
**Х.Сулаймонова номидаги**  
**Республика суд экспертизаси маркази**  
**Суд қурилиш-техникавий**  
**экспертизаси бўлими мудири**

# Муносибларга овоз берамиз

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов кунига ҳам оз қолди. Депутатликка номзодлар сайловчилар билан учрашувлар ўтказиб, дастурлари билан таништирди. Шу билан бир қаторда ҳақнинг муаммоларини келгуси иш режаларига қайд этиб қўйди.



— 37 та мактаб ҳудудида сайловга катта тайёргарлик кўрди, — дейди Қибрай туман сайлов комиссияси расисининг ўринбосари Ёлкиной Мирзааҳмедова. — 30 та туман округи, 4 та вилоят округи, 63 та сайлов участкалари овоз бериш жараёнларига тайёр.

Айтиш кераки, туманда 131 минг 436 сайловчи бор. Сайловга келолмайдиганлар учун уйига бориб овозини йиғиб келишга ҳам тайёргарлик кўрилган.

Ёлкиной Мирзааҳмедова билан 436-сайлов участкасига бордик. Сайловда тадбирлари ўтказиб бўлинган. Иштирок этиш учун қақдирв хатларини тарқатилган. Мазкур сайлов участкасида 1 минг 427 нафар сайловчи бўлиб, улардан 26 нафари биринчи марта овоз беришга келади.

**Даврон АҲМАД,**  
**«Жамият» мухбири**



## Жамоатчилик назорати

# «Чорраҳада машина йўқ, кутиб ўтираманми?»

## Ота-она шундай фикрласа...

Дунёдаги энг болажон, энг меҳрибон, ўзи емай, боласини едирган, ўзи киймай, фарзандига кийдирган, унинг бахтини ўз бахтидан устун қўядиган халқ биз бўлсак керак. Шу боисданми, болаларни ҳимоя қилишга, уларни турли фалокатлардан асрашга кўпроқ интиламиз. Лекин айрим ота-оналар борки, улар фарзандларига бутунлай эътиборсиз.

Катта кўчада копток ўйнаётган, пана жойда гулдан ёқаётган, давлат мулкига зарар етказётган, бировнинг молини ўғирлаётган болани, дайдиликни ўзига касб қилиб олганларни кўрганда юрагинг увишади. Уларнинг ота-оналари қани, нима учун фарзандлари тарбиясига бунчалар бепарво? Айниқса, кўча-кўйда қаровсиз, катталарнинг назоратсиз юрган болаларни кўриб, ҳайрон қоласан, биз катталарнинг бепарволигимиз, болаларга нисбатан эътиборсизлигимиз жуда қимматта тушаётганини яна бир бор ўйлашга мажбур бўласан.

Болалар билан боғлиқ ҳар бир ҳодиса катталарнинг лоқайдлиги, эътиборсизлиги

нинг натижасидир. Чунки ўз фарзандини ўйлаган, унинг тақдирига, юриш-туришига бепарқ бўлмаган ота-она қаровсиз қолдирмайди. Дейликки, ота-она бирор-бир сабаб билан фарзандини кўчага чиқиб кетганини билмай қолгандир. Лекин шу ердаги бошқа катталарчи? Маҳалла фаоллари, кўни қўшни? Ахир «Бир болага етти қўшни ота-она», деган нақл қарерда қолди?

Ҳар кунини кўчада бемақсад, назоратсиз юрган қанчадан-қанча болани кўрамиз. Уларнинг бири катта йўл бўйида сув ёки шарбат сотаяпти. Бошқаси бозорларда мақсадсиз айланиб юриб киссавур ўғриларга, гиёҳванд жиноятчиларга,

диний-экстремистик оқимларга қўшилиб кетаётганидан ҳам кўз юммаслигимиз керак. Катталар эса, уларнинг тарбияси билан милиция шуғуллансин, дея лоқайдлик қилишмоқда.

Мактабимизга учрашув ўтказиш учун Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари келиб туришди. Уларнинг бераётган маълумотлари, кўрсатаётган видеолари этингизни жунжиктириб юборади. Йўлни белгиланмаган жойидан кесиб ўтаётганида машина уриб кетган бола. Тўхтаб турган транспорт воситаси ортидан чиқиб қолганда фалокатга учраган ўқувчи... эҳ-ҳе, айтаверсак, улар жуда кўп.

ИИВ вакилларининг айтишича, йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлили ва жойларда ўтказилган текширувлар шунини кўрсатмоқдаки, буларнинг асосий сабаби болаларнинг «Йўл ҳаракати қодалари»ни яхши билмаслиги ва уларда ҳаракатланиш хавфсизлиги қўникмаларининг йўқлигидир.

Назаримда, энг аввало, бунарсда ота-оналарнинг айби қўп. Негаки, аксарият ота-оналар

риб бериш маҳорати йўқ. Фарзандига ҳаракатланиш хавфсизлигининг оддий талабларини тушунтирмайди. «Мактабда ўқитар, шунини ҳам гапириб ўтирамани», деган нотўғри тушунчада юради. Бола катта кўчани белгиланмаган жойидан кесиб ўтаётганини кўриб турса-да, уни бу йўлдан қайтармайди. Жуда борса, «ҳей, эҳтиёт бўл», дейишдан нарига ўтмайди.

Эътибор берганмисиз, аксарият катталар болалар кўз ўнгида кўчани тўғри келган жойидан, хоҳлаганча кесиб ўтаверишди. Устига-устак танбеҳ берган ҳайдовчиларни «яхши» гаплар билан сийлашди. Ёнидаги фарзанди бундан қандай хулоса чиқараётганини ўйламайди ҳам. «Чорраҳада машина йўқ, кутиб ўтираманми», дея светофорнинг қизил чирогоида ўтиб кетаверади. Ёнида ўтирган фарзандини унутди. Унутманг! Кўш уясида кўрганини қилади.

Умумтаълим мактабларида болаларга «Йўл ҳаракати қодалари»ни ўргатиш бўйича махсус адабиётлар ва мутахассислар йўқ. Дарсларни аксарият ҳолларда синф раҳбарлари ўтади. Бириктириб қўйилган ходимлар эса учрашувлар ўтказиш билангина чекланади. Негаки, ҳамма ходимда ҳам педагогик қобилият, болага қодаларни содда ва лўнда қилиб тушунти-

риб бериш маҳорати йўқ.

Педагог сифатида унинг ечимлари ҳақида ўйлай бошладим. Чунки бу ерда гап фарзандларимиз ҳаётини асраш ҳақида кетаяпти. Шу сабаб бу ишга масъулият билан ёндашиш зарур. Ота-оналик бурчимизни унутмаслигимиз керак. Халқимизда «Юз марта гапирган гапнингни юз биринчи марта ҳам гапир. Юзтаси қулоғига кирмаган бўлса, бир юз биринчиси кирди» деган гап бор. Мана шу нуқтага назардан ёндашадиган бўлсак, фарзандларимиз камолига эътиборни янада кучайтиришимиз лозим. Бу ишни «сеники, меники» демасдан, ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқарган ҳолда олиб борсак, кўзланган мақсадга етишимиз осон бўлади. Мактабда ўқитувчи, уйда ота-она боласига ҳаракатланиш хавфсизлигининг оддий, лекин ҳаёт учун муҳим бўлган шартларини эслатиб, ўргатиб турса, кўча-кўйда юрганимизда, энг аввало, ўзимиз йўл ҳаракати қодаларига риоя қилсак, фарзандларимизга ўрнатилган болаларга танбеҳ бериб, тартибга қақдириб турсак, нур устига аъло нур бўларди.

**Азиза АБДУАЗИЗОВА,**  
**Қарши туманидаги 21-сон**  
**умумтаълим мактаби**  
**ўқитувчиси**



«Универсал» спорт мажмуасида КАРАТЭ WKF бўйича катталар ўртасида Ўзбекистон чемпионати старт олди.

**Ўқишдан қайтаётиб, уйимиз ёнида жойлашган китоб дўконига ҳар кун кираман. Харид қилмасам-да, қандай янги китоблар келганини кузатиб бораман. Ўқиш ташвишлари баҳона бўлиб, китоб ўқишга вақт тополмайман.**

Ҳар кун дўконга кирганимда ҳамаси, 11 ёшли қизалоққа кўзим тушарди. У Алексей Толстойнинг «Олтин калит ёки Буратинонинг бошдан кечирганлари» китобини иштиёқ билан варақлар, бироқ нарҳини кўрганида хўрсиниб қўярди. Китобсевар бу қизни кузатгим келарди. Ахир у билан суҳбатлашишга эришдим. Билишимча, китобга маблағи етмаганидан ҳар кун кирганида 2-3 бет ўқиб чиқар, икки сатр ўқиган бўлса ҳам боши кўкка етар экан...

«Мақтаб кутубхонасидан олиб ўқисанг бўлмайди», деганимда «Мақтабда ўқимай-

ман» дея ерга қараб, гапида давом этди.

— Анави ерни кўряписми? Аравачада дарахтнинг тагида

# Китобсевар

тиланчилик қилиб ўтирган аёлни кўрсатди.

— Ана шу менинг мактабим. Аввал ишларди. Касал бўлгандан бери шу ерга чиқадиган бўлдим. Даламни сўрсам, қарердалигини айтмайди, лекин уйда менга ўқишни ўргатади. Ҳозир ойимнинг тоби йўқ,

Ҳар кунги тушиб турган пулга эса дори-дармон оламиз. Бўлмасачи, бу китобни, албатта, олиб берарди. Яқин кунларда дўкондаги китобни ўқиб тугатаман. Фақат сотувчи билиб қолиб, ҳайдаб юборадими деб кўрқиб турибман-да...

Менда шундай имконият, шароит, китоблар бўла туриб, бефарқлик қилаётганимдан афсусланиб кетдим. Ҳақиқатдан ҳам «Олдиндан оққан сувни

да дамгин турибди. Бориб аҳволини сўрадим. У индамасди, кейин билсам, қизалоқнинг ёқтирган китоби сотилиб кетган, дўконда тугаб қолган экан.

Қизчанинг кўзидаги ёшга қараб, жим туролмадим. «Ҳозир келаман кутиб тур-дея бозорга йўл олдим. Хайриятки, китоб бор экан. Уни сотитиб олдим-да, қизалоқнинг ёнига шовдим. Етиб келганимда қизча онасининг олдида тиланчилик қилиб ўтирарди. Кўлига китобни тутдим. Севинчи ичига сиғмасди. «Раҳмат, раҳмат опажон!» дея онасига мактанди. Аравачага аёл пи-чирлаб, дуо қилди.

Нима бўлганда ҳам кўнглим ёришиб кетди.

Гулҳаё ҲУСАНОВА,  
ЎзЖОКУ талабаси

**Халқимизнинг «Отанг бозор - онанг бозор», деган мақоли барчамизга жуда яхши таниш. Аммо ҳаммаёқ бозор экан, дея кўчанинг исталган қисмини эгаллаб олиб, ўз маҳсулотларини сотиш нафақат қонунга, балки одо-ахлоқ қоидаларига(айрим маҳсулотларга нисбатан) ҳам зид, албатта. Баъзи бир «удда-бурон даллоллар» борки, улар «Кўйлиқ савдо мажмуаси» автотураргоҳи ҳамда «Кўйлиқ деҳқон бозори» олд қисмидаги ер ости йўллари эйна бозорларга, унинг атрофини эса очиқ осмон остидаги бозорларга айлантиришган. Аслида, ер ости йўллари пиёдалар хавфсизлигини таъминлаш, уларга ва ҳайдовчиларга қулайлик яратиш мақсадида қурилган эмасми?**

## Бозорми, озорми?



Йўл-йўлакай ўзлари учун керакли маҳсулотларни харид қилиш қулайлик яратади, деб ўйлашингиз мумкин. Аммо, сотилаётган маҳсулотлар санитария-гигиена талабларига жавоб берадими? Бу саволни барчамиз ўз-ўзимизга беришимиз шарт. Ахир бегуноҳ инсонлар яроқсиз ва сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш оқибатида вафот этишмоқда. Бунга яққол мисол: Чироқчи туманида бутун бошли оила овқатдан захарланиш оқибатида бу ёруғ оламни тарк эттишти. Бу янчи ҳол, албатта. Аммо бу каби ачинарли вазиятларга қўн ҳолларда ўзимиз сабабчи бўлмоқдамиз.

Ўз соғлиғимизга эътиборсизлигимиз, нимани истеъмол қилаётганимизга доқайлигимиз юқоридаги каби фожиали оқибатларга олиб келмоқда. Энди масалага бошқа тарафдан қарасак, сифатсиз маҳсулотларни пуллаётган «удлабурон»ларнинг бозорини юргизаётган, уларнинг чўнтагини тўлдирётган биз — саломатлигимизга бефарқ харидорлар эмасми? Хулоса ҳар биримиздан. Ўзимизни, ўзимиз учун яқинларимизни асрайлик! Истеъмол қилаётган маҳсулотларимизга эътиборли бўлайлик!

Маржона ДАДАЖОНОВА,  
ЎзЖОКУ талабаси

қадри йўқ» деганлари рост экан. Уйга бордим. Қизалоқ бир зум ҳам хаёлимдан кетмасди.

Бўлди, қарор қилдимки, эртага йиғиб қўйган пулимнинг барини олиб дўкондаги қизча ёқтирган ўша китобни совға қиламан... ўқшдан қайтиб, қарасам, қизча китоб дўкони ёни-

## «Андишали келин!»

**Сабоҳат қуёш бўзариб ботганда даладан қайтди. Эри Мансур билан олдинма-кетин уйга кириб келишди. Ҳовлининг нариги бетида овсини Комила ёшдан ошган қизалоғини болалар аравачасида хотиржам сайр қилдириб юрибди. Ошхонанинг ёнгинасида жойлашган ҳужрада кекса қайнонаси яшайди. Эри-хотин ишдан ҳориб-чарчаб келишган, тўғри ошхонага йўналишди. Овқат пиширилаётган қозон бўм-бўш эди.**

Сабоҳат қайнонасига юзланди:

— Ойи, Комила овқат қилдимми?

— Сал олдин картошка артаётганига кўзим тушувди. Овқат қилган бўлса керак. Сабоҳат ҳайрон бўлиб, Комилани чақирди:

— Комила, овқат қилдингизми?

— Эримга бир коса овқат бор, қолганларни билмадим...

Сабоҳат ҳайрон, Мансурнинг жаҳли чиқиб кетди:

— Бу уйда нечта олам бор, кўпроқ овқат қилса бўлмайди-ми?

Шу заҳоти, ошхонага отилиб кирди-ю, битта косани олиб отиб юборди. Коса чил-чил бўлди. Комила эса пинағини ҳам бузмай, қизчасининг қўлидан ушлаб, аста одимлаб кела бошлади ва синган коса бўлақларига кўзи тушди. Ҳеч қандай хижолатга ўрин қолдирмай, шундай деди:

— Бу косани мен онамникидан олиб келган эдим, пулини тўлаб қўйинглр!

Гулноза ЙЎЛДОШЕВА,  
ЎзЖОКУ талабаси

## Қалбга малҳам шифокорлар

**Набирамиз Маҳмудбекнинг тоби қочиб қолди. Қайси шифокорга бормайлик, хасталик ташхиси аниқ бўлмади. Ҳамма ҳайрон. Ниҳоят, Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси нефрология бўлимига мурожаат қилдик. Мазкур бўлим шифокорлари Ҳабиб Барноев, Мақсуд Бобоқулов тезда ишга киришди. Барака топкурлар қайта-қайта текширишлар ўтказиб, ташхисини аниқлашди. Жигарландимиз сурункали гломерулонефрит касаллигига чалинган экан.**

Кўп ўтмай, интенсив муолажа бошланди. Минг шукрки, ижобий ўзгариш сезилди. Бизни мамнун этган нарса шу бўлдики, бу бўлим ходимлари, жумладан, ҳамшира Шохда Очилова ҳам ниҳоятда меҳрибонлиги билан беморлар қалбига малҳам бўлган. Бу ерда ҳар бир ходим ўзганинг дардини ўз даридек қабул қилиб, фидойилик намуналарини

кўрсатади. Юзларидаги ёқимли табассум, умидбахшлик, суҳбат ҳамда эҳтиром, энг муҳими, ҳамдардлик беморлар кўнглини кўтариб туради. Бугунги глобал замонда шунчалик меҳрибон шифокорларнинг фазилати ҳар қанча мақтовга арзийди.

Бобомурод МАҲМУДОВ,  
меҳнат фахрийси

5-ХАВО	
20 декабрь	+9°C
21 декабрь	+6°C
22 декабрь	+2°C
23 декабрь	+7°C
24 декабрь	+8°C
25 декабрь	+12°C
26 декабрь	+13°C

ob-havo.uz сайтидан олинган.

## ЖАМИЯТ

### Муассислар:

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази.  
Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.  
Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.  
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди.  
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон экологик ҳаракати.  
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

«Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнали.

### Бош муҳаррир Мақсуд ЖОНИХОНОВ

**Тахрир ҳайъати:**  
Рустам Комиллов  
Борий Алихонов  
Акмал Саидов  
Шавкат Жавлонов  
Ақтам Ҳайитов  
Адхам Икромов

Газета тахририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил: Буюк Турон кўчаси 41. Буюртма рақами Г-1214 Адади: 1403.

Жума кун чиқади.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ, Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 1050-7722

Навбатчи: Нуриддин Убайдуллаев

Дизайнер: Бегали Эшонқулов


100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.

Маълумот учун телефонлар:  
(71) 233-72-77,  
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:  
Электрон почта: jamiyat@umail.uz  
Газета индекси — 131

«ЖАМИЯТ»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

ЎЗА яқини:  
Топширилган вақти: 21:15  
1 2 3 4 5



Наби Жўраев Ўзбекистон Улоқ-кўпқари федерацияси раиси этиб сайланди.